# Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси





Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 137 (8.872) ◆ 1996 йил 18 ноябрь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


# ЕВРОПА МАРКАЗИДАГИ МУЛОҚОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12-14 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Белгия қироллигида бўлди. Мамлакатимиз тараққиёт ва эркин ривожланиш омили бўлмиш бозор муносабатлари, иқтисодиётни юксалтириш сари дадил одимлаб бораётир. Бунда узоқ йиллик тажриба, юксак техника ҳамда технологияга эга хорижий шериклар билан иш юритиш, улар билан тенгма-тенг ҳамкорлик қилиш, юртимизга кўплаб чет эл сармоядорларини жалб этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда республикамиз бу борада талай ютуқларни қўлга киритиб, дунёнинг турли давлатлари билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлади, жаҳон ҳамжамияти эътирофига эришди.

Ўзбекистон Президентининг Белгияга ташрифи ана шу эътироф билангина чекланиб қолмай, икки мамлакатнинг мавжуд улкан имкониятларини ишга солиш, амалий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган эди. Ўзбекистон Президентининг Брюсселдаги дастлабки учрашувларидан бири айнан Белгиянинг йирик компания ва фирмалари раҳбарлари, тадбикорлари билан бўлгани бежиз эмасди. Белгия ташқи савдо офисида бўлган учрашувда мазкур офис фахрий раиси шаҳзода Филипп Президент Ислом Каримовни ўз юрти заминида қутлар экан, ўзбек халқи қадимдан ишнинг кўзини билгани, бу эса мамлакатимизнинг бугунги иқтисодий тараққиётида алоҳида ўрин тутишини таъкидлади. «Бугун икки мамлакат ҳамкорлигини янада равнақ топтириш учун улкан имкониятлар мавжуд, шу маънода Сизнинг ташрифингиз айни муддао бўлди», деди Белгия шаҳзодаси.

Президент Ислом Каримов йиғилганларга Ўзбекистоннинг ўзига хос иқтисодий ривожланиш йўли, босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларнинг дастлабки самаралари ҳамда халқаро ташкилотлар билан алоқалари хусусида сўзлаб берди. Белгия тадбиркорлари диққатини мамлакатимизнинг чет эл сармоядорлари учун қай даражада жозибали эканига қаратди — Ўзбекистонда улкан хомашё базаси мавжуд, ишчи кучи арзон ҳамда сармоя киритувчилар учун қулай ҳуқуқий асос яратилган. Ислом Каримов Белгия компанияларининг юксак технологияга эгалигини таъкидлаб, «Сизнинг технологиянгиз — бизнинг ресурсларимиз» шаклида ҳамкорлик қилишни таклиф этди.

Мамлакатимиз раҳбарининг нутқи белгиялик ишбилармонларда катта қизиқиш уйғотди. Улар Ўзбекистонни Марказий Осиё минтақасининг маркази сифатида билиши ва сайёҳлик инфраструктураси, қурилиш ва бошқа соҳаларга сармоя киритиш имкониятлари билан қизиқдилар. Шунингдек, тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга батафсил жавоб олдилар.

Мулоқотлар якунида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Белгиянинг «Женерал» банки ўртасида кредит битими имзоланди. Уни мазкур банклар раҳбарлари Р. Азимов ва М. Бланкен имзолади.



Мамлакатимиз раҳбари Белгия парламентида бўлиб ўтган сенат ва вакиллар палатаси раҳбарлари билан учрашувда нутқ сўзлади. Ислом Каримов Ўзбекистон-Белгия муносабатлари ҳақида тўхталиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги поғонага кўтаришда ҳар икки давлат парламентларининг ўрни алоҳида эканини таъкидлади. Сенат раиси Фрэнк Свален Ўзбекистон Белгиянинг Марказий Осиёдаги стратегик аҳамиятга молик ҳамкори эканини ҳамда нафақат икки томонлама муносабатларда, балки, республикамизнинг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлигини ривожлантиришда ҳам Белгия уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини билдирди.

Белгия парламентида сенат раиси ва вакиллар палатаси раиси номидан Ўзбекистон Президенти шарафига зиёфат берилди.

Брюсселни бежиз Европа ҳамжамиятининг маркази дейишмайди. Бу ерда НАТО, Европа Иттифоқи, Европа Иттифоқи кенгаши, Европарламент каби ўнлаб халқаро ташкилотлар қароргоҳлари, дунёнинг юзлаб йирик фирмалари ваколатхоналари жойлашган. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Брюссел мэриясида бўлган учрашувда нутқ сўзлар экан, худди шу жиҳати учун ҳам Брюсселни Европа интеграциясининг тимсоли дея атади.

— Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовнинг қатъий иродаси ва узоқни кўзлаб иш тутиш сиёсати натижасида мамлакат ишонч билан тараққиёт сари бормоқда ва иқтисоди юксалмоқда, — деди Брюссел бургомистри К.Ф. де Доннеа учрашувда. — Буни халқаро ҳамжамият аллақачон эътироф этган. Қолаверса, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён ўтган беш йил давомида минтақадаги айрим нотинчликларга қарамай, барқарорликни сақлаб қолди ҳамда фуқаролар тотувлиги, миллатлараро ҳамжиҳатликка эришди.

Мамлакатимиз Президенти Брюссел шаҳар мэрияси фаолияти билан танишди ҳамда унинг олтин китобига эсдалик дастхати битди.

Европада, жумладан, Белгияда расмий иш юритиш таомиллари албатта, Шарқдан фарқ қилади. Ўзбекистон Президентини расмий кутиб олиш маросими ташрифнинг иккинчи куни кечга яқин бўлди. Буни мамлакатимиз раҳбарининг сафар дастури тиғизлиги, учрашувлар ва мулоқотларнинг кўплиги, ҳуллас, ташрифнинг ҳар бир дақиқасини самарали ўтказишга интилиш билан изоҳлаш лозим.

Шу куни Брюсселдаги Эгмонт саройида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Белгия Бош вазири Жан-Люк Дехане пешвоз чиқди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Белгия қироллиги давлат мадҳиялари янгради.

Расмий кутиб олиш маросимидан кейин Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Жан-Люк Дехане Ўзбекистон Республикаси ва Белгия Қироллиги ўртасидаги қўшма сиёсий декларацияга имзо чекдилар.

Ўзбекистон Президенти ва Белгия Бош вазири ўртасида яккама-якка суҳбат бўлди. Суҳбат чоғида икки мамлакатнинг сиёсий, савдо-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Айни пайтда Эгмонт саройининг мовий залида Ўзбекистон ва Белгия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлди. Кечқурун Ўзбекистон Президенти шарафига Белгия Бош вазири номидан зиёфат берилди.

Ташрифнинг учинчи куни эрталаб Ўзбекистон Президенти Белгия қироли Алберт Иккинчи билан учрашди. Суҳбатда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш борасида фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президенти Брюсселдаги қадимий сарой — «Вал дюшес» қароргоҳида Белгия Бош вазири ўринбосари, молия ва ташқи савдо вазири Филипп Мейстатдни қабул қилди. Ўзаро музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон билан Белгия Қироллиги ўртасида икки томонлама солиқ олмаслик ва фойда ҳамда капиталдан олинадиган солиқни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш ҳақидаги конвенция, ҳаво алоқаси ҳақидаги битим имзоланди. Ҳужжатларни Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов ва Белгия Бош вазири ўринбосари Филипп Мейстатд имзолади.

Қўшма сиёсий декларация ва бошқа ҳужжатларнинг имзоланиши мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариши, ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, Ўзбекистонда Белгиянинг юксак технологиясига интилиш бўлганидек, Белгияда ҳам юртимизнинг ўтмиши ва бугуни, улкан имкониятларига қизиқиш кучлидир.

— Бухоро, Самарқанд, Хива каби жаҳон хазинаси жавоҳирларига эга Ўзбекистоннинг бой маънавий ўтмиши ва тарихига қизиқишимиз нақадар кучли бўлса, — дейди Белгия Бош вазири Жан-Люк Дехане, — мамлакатингизнинг бугунига бўлган қизиқишимиз ҳам асло ундан қолишмайди. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон сиёсий ва иқтисодий барқарорликка эришди. Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши, жамиятда юз бераётган демократик ўзгаришлар Белгияни Ўзбекистон билан яна ҳам кенг ҳамкорлик қилишга чорлаётир.

Ўзбекистон раҳбари Брюсселда НАТО Бош котиби Хавьер Солана билан ҳам мулоқотда бўлди. Маълумки, Ўзбекистон Шимолий Атлантика альянсининг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига аъзо бўлганидан буён у билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётир. Ўзбекистон аскарлари мазкур дастур доирасида ўтказилаётган бир қанча ҳарбий машқларда иштирок этмоқда. НАТО маъмурияти мамлакатимизни Марказий Осиё минтақасидаги энг фаол ҳамкорларидан бири сифатида билади. Шунингдек, Ўзбекистон Президентининг минтақада тинчликни сақлаш, Афғонистондаги урушни сиёсий йўл билан ҳал қилиш, хусусан, бу мамлакатга қурол-яроғ олиб киришни таъқиқлаш борасидаги таклифи НАТО томонидан маъқулланмоқда.

Мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиёти билан мувофиқлашуви жараёни, Европа ҳамжамияти мамлакатлари билан узоқ муддатли ҳамкорлик алоқалари кундан кунга равнақ топаётир. Бугунги кунда мамлакатимизда Европа Иттифоқининг таъсис дастури доирасида бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ёзида Флоренцияда «Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим»нинг имзоланиши ўзаро ҳамкорлик учун кенг ҳуқуқий асос яратган эди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Европа Иттифоқи Комиссияси раиси Жак Сантер билан учрашувида ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Ислом Каримов Ўзбекистон билан Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ўртасида оралиқ битимининг имзоланиши ҳамкорликни янада ривожлантиришини таъкидлади. Шунингдек Ўзбекистоннинг бой табиий ресурслари ва имкониятлари ушбу манфаатли ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилишини қайд этди. Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан нафақат савдо-иқтисодий, балки, сиёсий ва бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик қилиш имкониятига эга, деди Президент.

Шу куни Европа Иттифоқи Кенгашида Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги оралиқ битими имзоланди. Битимни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов, Европа Иттифоқининг доимий вакиллар қўмитаси раиси, Ирландиянинг Европа Иттифоқидаги элчиси О. Лира, ЕИКнинг ташқи сиёсий масалалар бўйича бош директори ўринбосари Ж. Ляморе имзолади. Ушбу ҳужжат аввал имзоланган «Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим» Европа Иттифоқига аъзо давлатлар парламентлари томонидан ратификация қилингунга қадар юзага келадиган оралиқдаги бўшлиқни тўлдиради. Қисқача айтганда, оралиқ битим имзоланиши билан асосий ҳужжат кучга киради.

Ўзбекистон раҳбарининг Белгия Қироллигига расмий ташрифи икки мамлакат алоқалари, шунингдек, Ўзбекистон — НАТО ва Ўзбекистон — Европа Иттифоқи ҳамкорлигини янги поғонага кўтаришга хизмат қилади.

Ўзбекистон делегацияси Брюсселга келган куни шаҳарни бир неча кун кўз очирмаган ёмғир тўхтади. Чарақлаб чиққан қуёшдан сўнг булутлар тарқалиб кетди. Шу боис Президент Ислом Каримов учрашувларнинг бирида «Биз сизларга Ўзбекистон қуёши тафтини олиб келдик» дея лутф этди. Қуёш ҳамиша яхшилик аломати бўлиб келган. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқига аъзо давлатлар билан ҳамкорлиги ёруғ истиқболга эгалиги шубҳасиздир.

Мамлакатимиз раҳбарининг Белгия сафарида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов, Ўзбекистоннинг Белгия Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А. Файзуллаев ва бошқа расмий кишилар ҳамкорлик қилди.

15 ноябрь куни Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон расмий делегацияси Тошкентга қайтиб келди.

*Муҳаммад ШАРИФ,*
*ЎзА махсус мухбири.*
*Тошкент — Брюссел — Тошкент.*

*СУРАТДА: Президент Ислом Каримов ва Белгия Бош вазири Жан-Люк Дехане билан.*

*Ф. Қурбонбоев олган сурат.*

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Конрад Аденауэр номли халқаро фонд ва БМТнинг Ўзбекистондаги ривожланиш дастури ваколлиги билан биргаликда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишлаб халқаро амалий конференция ўтказди.

● Бугун Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул этилганлигига беш йил тўлди.

● Тошкентда «Марказий Осиёда энергетика хартиясини жорий этиш ва амалга ошириш» мавзуида семинар ўтказилди.

● Тошкентда «Нуроний» фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш юзасидан таъсис анжуман бўлиб ўтди. Унда ушбу жамғармани тузиш учун таъсис қурултойни чақиришга қарор қилинди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

● Кеча Молдовада президент сайловлари бўлиб ўтди. Давлат раҳбари лавозими учун кураш олиб борган тўққиз номзод орасида дастлабки маълумотларга қараганда нисбатан энг кўп овоз олган ҳозирги Президент Мирча Снегур ва мамлакат парламентининг раҳбари Пётр Лучинский иккинчи тур сайловларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

● Россия Бош вазирининг ўринбосари Владимир Потанин ҳозир мамлакатда рублни алмаштириш кўзда тутилмаётганлигини айтди. Россияда бугундан пул алмашиши тўғрисида миш-мишлар тарқалганлиги сабабли у шундай баёнот билан чиқди.

● 16 ноябрга ўтар кечаси Доғистоннинг Каспий шаҳрида асосан Кавказ ҳарбий округи чегарачилари оилалари истиқомат қиладиган тўққиз қаватли панелли уй портлатиб юборилди. Сўнгги маълумотларга қараганда, бино вайроналари остидан ҳозиргача 24 кишининг жасади топилган. Бу ерда қутқариш ишлари давом этяпти. Кеча Россия Бош вазири Виктор Черномирдин Каспий шаҳрида бўлиб, фалокат оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирларини муҳокама этди.

● Кеча Минскда Президент Александр Лукашенко сиёсатига қарши мухолифатчилар томонидан ўтказилган намойиш пайтида намойишчиларнинг ҳуқуқ-тартибот ходимлари билан тўқнашувлари бўлиб ўтди. Бир кун аввал эса Белоруссия Олий Кенгаши раёсати Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарларига Белоруссиядаги аҳволни муҳокама қилиш юзасидан шошилинч олий даражадаги учрашув ўтказиш даъвати билан мурожаат этган эди.

● Тожик мухолифатчилари Душанбедан 160 километр узоқликдаги Комсомолобод туманини қўлга олдилар.

● Россиянинг 64 миллион АҚШ доллари сарфлаб яратган, Марсга қўниши мўлжалланган автомат мажмуаси 16 ноябрда Ернинг сунъий орбитасига чиқарилгандан сўнг двигатели ишдан чиққанлиги сабабли бугун Чили соҳилларига яқин жойда Тинч океанига қулаб тушди.

● Россияда 1996 йил бошидан бери аҳоли сони 300 минг кишига камайиб, ҳозир 147,7 миллион кишини ташкил этиши расман маълум қилинди.

● Яқин вақт ичида Москва маркази яқинидаги аэровокзал ҳудудида тижоратчилар ва тадбиркорларнинг кичик самолётлари қўниши учун «Бизнес — Авиа» янги аэропорти ташкил этиладиган бўлди.

### ХОРИЖДА

● Миср 74 ёшли Бутрос Ғолий номзодини иккинчи муддатга БМТ Бош котиблигига сайлаш учун расман кўрсатди. Бутрос Ғолий номзодини БМТ Хавфсизлик Кенгашининг бешта доимий аъзосидан учтаси — Россия, Франция ва Хитой қўллаб-қувватлаяпти. Лекин АҚШ бир неча бор уни БМТ Бош котиблигига иккинчи муддатга сайлашга қарши эканлигини расман маълум қилган.

● Руминияда кеча президент сайловларининг иккинчи турида дастлабки маълумотларга кўра мухолифатчилар етакчиси Эмиль Констанинеску давлат раҳбари лавозимига сайланди.

● Туркия пойтахти Анқарадаги меҳмонхоналардан бирида ёнғин чиқиши оқибатида 17 киши ҳалок бўлди, 40 киши жароҳатланди. Ҳалок бўлганларнинг аксарияти Украинадан савдо-сотиқ учун келган «моки»лар экан.

● Бруней султони Хассанал Балкиах 18 ёшли қизига туғилган кунида 100 миллион доллар турадиган А-340 йўловчи аэробусини совға қилди. Бу ўринда султоннинг мол-мулки 30-40 миллиард долларга баҳоланишини ҳам айтиш ўринли.

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

## БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳар маҳалла оқсоқолларининг Маслаҳат кенгаши аъзолари билан туманларда ташкил этилган маҳалла оқсоқоллари маслаҳат кенгаши раисларининг дастлабки учрашуви бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шуҳрат Жалилов кириш сўзи билан очиб, маҳалла оқсоқолларининг олдида турган бугунги вазифалар хусусида гапирди. Ушбу йиғилишдан кўзланган мақсад — маслаҳат кенгашлари ишини йўлга қўйишни нимадан бошлаш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш усуллари ҳақида фикрлашиб олиш эди.

Шунга кўра шаҳар маҳалла оқсоқоллари Маслаҳат кенгашининг раиси Кабир Комилов иш жараёнида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга қатъий амал қилиш лозимлиги хусусида гапирди. Шунингдек унинг ўринбосари Неъмат Ҳасанов туман маслаҳат кенгашларида тузилиши лозим бўлган кичик кенгаш ва шўъбалар иши қандай ташкил этилиши лозимлиги ҳақида мулоҳазалар билдирди.

Йиғилиш давомида жумладан шаҳар фахрийлар кенгашининг раиси Толиб Содиқов, элшунос олим Билол Аминов, туман маслаҳат кенгашларининг раислари маънавиятга оид тадбирлар, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, маҳалла идораларининг коммуникация масалалари хусусида таклиф ва мулоҳазалар билдиришди.

Учрашув сўнгида бундай йиғилиш ҳар ойда бир марта ўтказилишига келишиб олинди.

## МАТБУОТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ МАҚСАДЛАРИДА

Ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролар жамияти қуриш йўлидан изчил бораётган Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг тўртинчи ҳокимият сифатида шаклланишларига катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий, давлатга қарашли бўлмаган фонд ташкил этилиши худди шу мақсадга қаратилгандир. Ҳозирги вақтда ушбу фонднинг вилоят бўлимлари тузилмоқда.

15 ноябрь куни бу фонд Тошкент шаҳар бўлимининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Республика пойтахтида чоп этиладиган қатор матбуот нашрлари, шаҳар ташкилотлари, корхоналари, ҳиссадорлик жамиятлари, банк муассасалари унинг таъсисчилари бўлдилар.

Конференцияда сўзга чиққан «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг бош муҳаррири Эркин Эрназаров, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Тошкент шаҳар бўлими бошқарувининг раиси Садир Салимов, Ўзбекистон радиоси «Тошкент» студияси бош муҳаррири Абдуҳаким Даминов, «Мотор» газетаси бош муҳаррири Анвар Алимов, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш фонди ҳамраиси, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев ушбу фонднинг матбуотни демократлаштириш, оммавий ахборот воситаларига мадад бериш, иқтидорли журналистларни ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдаги аҳамиятини таъкидлаб ўтдилар.

Конференцияда фонд Тошкент шаҳар бўлимининг Устави тасдиқланди, унинг раҳбар органлари сайланди. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқарувининг раиси этиб «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газаталарининг бош муҳаррири Эркин Эрназаров сайланди.

*Ободонлаштириш икки ойлиги*

## ЯХШИ ТАШАББУС

Ҳозир шаҳримизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги давом этмоқда. Мазкур тадбирда пойтахтдаги барча корхона, идора ва муассасалар, ўқув юртлари иштирок этмоқдалар. Хусусан, «Экосан» халқаро жамоаси ҳар йили яхши ташаббус билан чиқади. Мазкур икки ойликда ҳам «Экосан» бошчилигида экология ва саломатлик кунлари ўтказилиб келинмоқда. Зеро, шаҳримизнинг ҳавоси тоза, суви ширин, қуёши нурли, табиати гўзалдир.

— Жамғармамиз вазирликлар, корхоналар раҳбарлари билан биргаликда шаҳардаги чиқиндиларни олиб кетиш учун ҳар куни қўшимча транспорт воситалари ажратмоқда, — деди биз билан суҳбатда «Экосан» халқаро жамғармаси раисининг ўринбосари Саидикром Хожибеков. — Бундан ташқари шаҳар атрофида ахлатларни қайта ишловчи завод қуриш ҳамда контейнерлар тайёрлаш ишларини чет эл фирмалари билан ҳамкорликда бажаришни режалаштирганмиз.

*Очил ҲАЗРАТОВ.*

*Шаҳримиз жамоли*

## «ЧОРСУ» ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНАДИ

Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида жойлашган «Чорсу» меҳмонхонасини қайта таъмирлашга Малайзиянинг «Чейз Пердина БХД» компанияси 9 миллион Америка доллари ажратди. Чунки, «Чейз Пердина БХД» компаниясининг Тошкентдаги филиали бўлмиш «Соварин Уолдуайд ЛТД» фирмаси пойтахтдаги энг баланд меҳмонхоналардан бирини қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича иш олиб бориш мақсадида шартнома имзолаган эди.

Яқин фурсат ичида «Чорсу» меҳмонхонаси ҳам пойтахтимиздаги «Ҳиндистон» ва «Интерконтинентал-Тошкент» меҳмонхоналари каби жаҳон андозаларига жавоб берадиган замонавий мажмуага айланади.

*Одил ХАЛИЛОВ.*

## ДАҲАДА ЯНГИ БОЗОРЧА

«Қорақамиш» бозори маъмурияти халқимизнинг азалий яшаш тарзи анъанасидан келиб чиқиб, серқатнов йўллар ёқаларига, маҳаллаларнинг энг гавжум жойларига кичик-кичик бозорчалар бунёд этишмоқда. Бу усул шаҳарликлар учун айни муддао бўлди. Ишдан қайтаётганда ёки дўконга чиққанда рўзғор учун зарур кундалик маҳсулотни шундоққина ёнгинасидаги бозорчадан харид қилиш одамларнинг қимматли вақтини тежашга олиб келаётир.

Куни кеча «Бўстон» маҳалласидаги «Табассум» бекати ёнида 20 ўринли яна бир бозорча очилди. Бу «Қорақамиш» бозорининг тўққизинчи шохобчасидир.

*Мукаррама МУРОДОВА.*

*Обуна—97*

## «ОҚШОМ»ИНГНИ БЕРГИН, ЎҒЛИМ...

Жума куни ишдан эртароқ чиқдиму бозорга йўл олдим. Чорсудаги янги бозорни айланиб, иккинчи қаватга кўтарилдим. Растадаги майизларни кўздан кечираётганимда бир онахон:

— Болам, газетангни ташлаб кет, — деб қолди.

— Бу янги газета. Нарса ўрашга бошқа нарса беришим мумкин, — дея таклиф қилдим аяга.

— Йўқ, менга «Оқшом»ингни бергин, бир варақлаб олсам бўлди. Бу газетанинг доимий ўқувчисиман.

— Берақолинг, — деди деҳқонлардан бири. Бу аянинг қандайлигини билмайсиз. Агар билсангиз, газета тугул жонингизни ҳам берардингиз.

Газетани аяга бердим. Ҳабиба ая Халимова билан шу тариқа танишдик.

Ая ўттиз йилдан буён бозорда назоратчи-кассир бўлиб ишлаганлар. 11 фарзандни тарбиялаб вояга етказган бу онахонни бозордаги деҳқонларнинг барчаси бирдек яхши кўрар экан.

— «Оқшом» газетасини ўқишга имкон топасизми?» — дея сўрадим аядан.

— Бўлмасамчи. «Оқшом»нинг барча сонларини ўқиб бораман. Янги автомашиналар ҳақидаги мақолаларинггача ўқийман. Мана шу газетангни иккинчи қаватдаги ҳамма деҳқонлар ўқиб чиқади. Ишонмасанг, эртага келиб, сўрашинг мумкин.

— Сизга ишонаман. Фақат 1997 йил учун обуна бўлишни унутмадингизми?

— Кексайиб қолган бўлсам ҳам эс-ҳушим жойида, болам. «Тошкент оқшоми» газетасини невараларим ҳам ўқийди. Ҳозирча олти ойга обуна бўлдим. Худо умримни узоқ қилса, кейинги ярим йилига ҳам обуна бўлиш ниятидаман.

*Раҳим ТЎРАЕВ.*



## ҚАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Юқорида айтиб ўтганимиздек Ҳабиба аяга ўхшаш «Оқшом» газетасининг ҳақиқий фидойилари кўпчиликни ташкил этади. Ўзи севган газетасининг бирорта сонини ҳам қолдирмай ўқиб чиқадиган бундай муштарийларимиз доимо омон бўлишсин. Биз, оқшомчилар эса муштарийларимизга маъқул келадиган бири-биридан ранг-баранг мақолаларни келгуси йилда ҳам газета саҳифаларида мунтазам чоп этишни режалаштириб қўйганмиз. Шундай қизиқарли мақолаларни мунтазам ўқиб бораман десангиз 1997 йил учун «Тошкент оқшоми» газетасига обуна бўлинг. Обунани ўз вақтида расмийлаштириб қўйсангиз йил бўйи «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб бораверади, у Сизнинг ҳақиқий суҳбатдошингизга айланади.

Гапимизни мухтасар этиб, обуна нархини яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз. У уйга ёки абонент қутисига етказиб берилишига қараб қуйидагича белгиланган:

| УЙ МАНЗИЛИГА | АБОНЕНТ ҚУТИСИГА |
|---|---|
| ● Бир ойга — 99 сўм | ● Бир ойга — 79 сўм |
| ● Уч ойга — 297 сўм | ● Уч ойга — 237 сўм |
| ● Олти ойга — 594 сўм | ● Олти ойга — 474 сўм |
| ● Бир йилга — 1188 сўм | ● Бир йилга — 948 сўм |

**ИНДЕКС — 64690**

**«Тошкент оқшоми»га Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида чекланмаган миқдорда обуна қабул қилинади.**

Вақт ғанимат, азиз муштарийлар! Ўзингиз севган «Тошкент оқшоми» газетасига обунани расмийлаштиришга шошилинг!

*Шундай хизмат бор*

# БОЖХОНАДА БИР КУН

***Бу соҳа ходимларининг ишини милиция хизматидан ва бошқа шу каби турдаги туну кун қизғин меҳнат жараёни билан боғлиқ бўлган соҳа кишилари хизматидан сира камситиб бўлмайди. Чунки улар ўзларига белгиланган жойларда (постларда) сергаклик билан тинимсиз меҳнат қилиб тунни тонгга улашади. Ўз сменалари давомида бир неча бор кескин тўқнашувларга дуч келишади. Қоидабузарлар, товламачилар, ҳатто ашаддий жиноятчилар билан юзма-юз бўлишади. Шунинг учун ҳам улардан биринчи навбатда ўта ҳушёрлик талаб этилади. Шу ўринда хўш, бу соҳа кишиларининг асосий хизмат вазифалари нималардан иборат, деган савол туғилиши табиий. Улар Ўзбекистон Республикаси Президентининг экспорт қилиш тақиқланган буюмлар ва маҳсулотларнинг диёримиздан олиб чиқиб кетилишига ва худди шунингдек рухсат этилмаган гиёванд моддаларнинг ҳудудимизга кириб келинишига қарши курашни кучайтиришга доир фармонларининг изчиллик билан амалга оширилишига бурчли бўлган божхона хизмати ходимларидир. Бу соҳа хизматчилари зиммасига юкланган вазифа нақадар масъул ва оғир эканлигига улар билан биргаликда ўтказган рейдимиз давомида яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.***










Ҳамроҳимиз—Тошкент вилояти божхона хизмати ташкилий назорати бўлимининг катта назоратчиси Андрей Каплун бизга шундай тушунтириш берди:

— Хизмат доирамизга Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятига кириб чиқадиган 28 та божхона масканларида мунтазам кузатув олиб бориш, уларни назорат қилиш, ҳеч қандай қоидабузарликка йўл қўймаслик вазифаси киради. Бу нуқталардан 6 таси ташқи иқтисодий божхона маскани, биттаси кўчма, биттаси акциз, 20 таси чегара масканлари ҳисобланади. Уларнинг ҳаммаси Қозоғистон ва Тожикистон билан чегара жойлардан ўрин олган. Энг катта масканларимиз Ғишткўприкда, Сариоғоч билан туташ Навоий зонасида жойлашган. Шунинг учун агар рози бўлсангиз сафаримизни шу масканлардан бошласак...

Навоий номли 12-божхона масканига етиб келганимизда соат 17 дан ошганди. Кечки пайт бўлгани учун машиналар қатнови гавжум. Бу ердан бир кунда Тошкент — Сариоғоч ва шаҳримизни Қозоғистоннинг ўзга аҳоли пунктлари билан боғловчи ўнлаб автобуслар ўтади. Уларнинг ҳар бири божхона хизматчилари томонидан синчковлик билан текширилади. Шубҳали йўловчилар ҳам назоратдан четда қолишмайди.

— Шундай қилишга мажбурмиз, — дейди бизга маскан бошлиғи Тоҳир Маҳаматбеков. — Баъзан кутилмаганда баъзи бир йўловчиларнинг чўнтакларидан ҳам олди-сотдига мўлжалланган маълум миқдордаги гиёванд моддалар чиқиб қолиши мумкин. Бундай тасодифлар эса тез-тез учраб туради.

Божхона энг намунали масканлардан саналади. Шунинг учун яқинда бошлиқ Тоҳир Маҳаматбековга подполковник унвони берилиб, маскан ходимлари янги «Жигули» машинаси билан тақдирланишди.

— Тоҳир аканинг бу ерга ишга келганига эндигина бир ой бўлди, — дейди Андрей Каплун. — Шу давр мобайнида у ушбу масканни бутунлай янгидан қурди. Эски бинолар ўрнида янгилари қад кўтарди. Улар замонавий техникалар билан жиҳозланди. Йўллар кенгайтирилди. Олдин иккита машина тўқнаш келиб қолса, аранг ҳаракат қиладиган йўл бугун кенгайиб, икки томонлама бўлди.

— Шундай қилмасак бўлмасди, чунки масканимиздан Ҳамдўстлик мамлакатларига борадиган жуда кўплаб транспортлар ўтади, — дейди Т. Маҳаметбеков суҳбатга қўшилиб.

Хонадаги рациядан янграган овоз суҳбатимизни бўлди.

— Ўртоқ бошлиқ, навбатчилик хонасида сизни кутяпмиз. Иккита шубҳали йигит ушланди.

— Газетабоп материал чиқиб қолди шекилли, юринглар, ўша ёққа борамиз, — деди Тоҳир ака бизни шошилинч йўлга бошлаб.

Нозир Олимжон Эргашев бўлган воқеани айтиб берди. Хонада велосипед, унинг ёнида икки йигит турарди. Велосипед юкхонасига чандиб боғланган яшикда қимматбаҳо биллур идишлар, магнитофон ва яна бошқа нарсалар кўзга ташланади.

—Тахминимча, бу моллар ўғирланган кўринади. Кеча шу яқин ўртадаги уйлардан бирида ўғирлик содир бўлгани қулоғимга чалинганди. Қолаверса йигитларнинг кўриниши ҳам шундан далолат бериб турибди, — дейди Олимжон Эргашев.

Йигитлар олдинига анча оёқ тираб туришди.

— Майли, ишонмасангиз буюмларни олиб қола қолинг. Эртага юзлаштиришга ўзимиз келамиз.

Уларнинг ёш болани алдашдек қабилидаги бу гапи шубҳани баттар оширди. Яшикдаги буюмлар бирма-бир рўйхатга олиниб, кўздан ўтказилди. Шунда йигитлардан бири тўсатдан ўзини эшик томон урди. Нари борса ўн қадам босиб босилмай сергак назоратчилар уни орқасига қайтаришди. Чорасиз қолган йигитлар ялинишга тушишди:

— Ҳаммаси сизларга қолсин. Бизни қўйиб юборсаларингиз бас.

Шунда бирдан кимдир яшикдаги ўғирлик буюмлар тагига яширилган халтачани топиб олди. Ҳидлаб кўриб, уни бошлиқ олдига қўйди.

— Нашага ўхшайди.

Бу гапни эшитиб ҳаммамиз беихтиёр ўрнимиздан туриб кетдик. Йигитлар айбларини бўйниларига олишди. Ҳақиқатан ҳам буюмлар ўғирланган бўлиб, халтачадаги роса бир килограмм миқдордаги нашани яширинча олиб чиқиб кетишаётган экан. Дарҳол ҳужжатлар расмийлаштирилди. Қоидабузарлар рациядан чақирилган милиция хизматчилари томонидан терговга олиб кетилди.

— Божхона, тўхтанг! — деган огоҳлантиришга қарамай «КамАЗ» машинаси тобора тўсқичга яқинлашиб келарди. Уни катта нозир Аброр Тўйчиев, нозир Ёндош Исмоиловлар тўхтатишди.

Ҳайдовчи ёнидан ўрин олган киши кабинадан сакраб ерга тушди.

— Йигитлар, келишиб қўя қолайлик. Озроқ юк олиб кетяпман.

— Ҳужжатларни кўрсатинг.

— Марҳамат.

Нозирга паспортини узатган Алимардон Худойбердиев Сирдарё вилоятининг Охунбобоев номли жамоа хўжалигида истиқомат қилади. У 32 минг сўмлик 4 тонна хурмо, 12 минг сўмлик бир тонна узум маҳсулотини Тошкент Отчопаридан арзон баҳога сотиб олиб, уларни ҳеч қандай ҳужжатсиз Россия шаҳарларига олиб бориб сотмоқчи бўлган.

— Божхона баённомаси борми?

— Йўқ. Энди...

— Олдин божхона қоидасини бузганингиз учун жарима тўлайсиз. Кейин орқага қайтиб Тошкент вилоят божхона бошқармасидан юкларни четга олиб ўтиш учун баённома қоғозини олиб келасиз. Агар қаршилик кўрсатсангиз юкларингизни мусодара қилишга тўғри келади.

Юк эгаси машина билан ночор орқага қайтди.

Шу куни 10 яшик «Крокет» печеньеси, 17 яшик хориж печеньесини ўзининг «Жигули» машинасида Чимкентга олиб кетмоқчи бўлган Қозоғистон фуқароси Садибек Шаркинбоев, умумий баҳоси 9 минг сўмга яқин бўлган икки ўрам плёнкани Қозоғистон ҳудудига қоидабузарлик билан олиб ўтмоқчи бўлган Владимир Собелевлар билан ҳам худди шундай воқеа рўй берди.

Нозир Фахриддин Деҳқонбоев томонидан қоидани бузмоқчи бўлган «Уазик» русумли давлат белгиси К 142 АНМ машинаси тўхтатилди. Ҳайдовчи Игорь Коротков 400 та елимли идишга жойланган машина тормози қисми учун ишлатиладиган суюқликни Сергели бозоридан сотиб олиб Қозоғистон ҳудудига олиб ўтмоқчи бўлган. У идишларни машинанинг орқа қисмига яширинча жойлаб устига бензин идишларини териб қўйган.

— Машина орқасида нима бор?

— Ҳеч нарса.

— Тўғрисини айтинг.

— Ҳа, энди озроқ.

Сири ошкор бўлган ҳайдовчи елка қисди. Қилмиши учун шу ернинг ўзида 1100 сўм жарима тўлади. Баённома олиш учун Тошкентга қайтарилди.

Регистон номи билан юритилувчи 11-божхона масканига келганимизда навбатчининг овознигордан барча божхона хизмати нуқталарини огоҳлантирувчи таҳликали овози янграрди:

— Барча-барча масканларга, мен 11-чиман. Қизил ранг, кажавали, давлат белгиси ноаниқ мотоциклда иккита шубҳали кишилар боряпти. Зудлик билан уларни тўхтатиб ҳужжатларини текшириш керак. Тўқнашувда эҳтиёт чораси қўлланилсин, қочоқлар қуролланган бўлишлари керак.

— Нима гап, тинчликми?

Андрей Каплуннинг берган саволига навбатчи шошилинч жавоб қайтарди:

— Мотоциклдагилар қоидани бузиб нарига томонга ўтмоқчи бўлишди. Тўхташ ишорасига мутлақо эътибор бермай тўсқич олдиган дадил босиб келаверишди. Қарасак тўсқични ўзлари очиб ўтиб кетадиган. Олдини машина билан тўсдик. Шундан кейин орқага қараб қочиб бир зумда кўздан йўқолишди.

Маскан бошлиғи Акром Одилов бизни ўз хонасига бошлади. Соатга қарасак унинг миллари тунги соат 23 ни кўрсатяпти. Акром ака сўз бошлади:

— Масканимизда ҳаммаси бўлиб саккиз киши навбат билан ишлайди. Бизга ёрдам тариқасида ҳар куни ДАН хизматидан бир киши, ички ишлар бошқармасидан 2 киши.

Шундан кейин Акром ака шу куни тушдан сўнг содир бўлган воқеа-ҳодисалардан бир-иккитасини айтиб берди.

— Бизнинг маскандан Қозоғистон ҳудудига қатновчи транспортлар кўплаб ўтади, — дейди Акром ака бизга. — Улардан бирини тўхтатиб текшириб кўрдик. Сариоғоч туманида яшовчи Тамара Абдуллаеванинг сумкасидан 70 буханка нон чиқди. Шунингдек Ўрозгул Мирхалилова — 70 буханка, Роҳила Сангилбоева — 70 буханка. Равшаной Совурбоева — 70 буханка. Ғайрат Алиакбаров эса 75 буханка нонни ўзлари билан олиб кетишаётган экан. Белгиланган меъёрга кўра улар тўрт буханкадан ортиқча нонни чегарадан ташқарига олиб чиқишлари мумкин эмас. Бу қоидабузарларнинг ҳаммаси 355 буханка нонни Келес шаҳридаги «Шодлик «С» ЛТД» фирма дўконига топшириб, 3905 сўм жарима тўлашди.

Шу куни Тошкент — Сариоғоч автобусида ака-ука Бойқўзиевлар ушланган. Улар бир йўла 17 та гиламни рухсатсиз олиб чиқиб кетишга уринишган. Алибек ва Бектемирларга ҳам тегишли чора кўрилган.

Хонага навбатчи Ҳилол Турсунметов кирди ва деди:

— «КамАЗ» 5410 русумли, давлат белгиси 08-66 АР машинаси 15 тонна пиёз билан тўхтатилди.

Ташқарига чиқдик. Маҳсулот «эгаси» Андрей Акиев қилмишидан пушаймон эканлигини тан олди. Ундан белгиланган жарима ундирилиб, рухсатнома баённомасини олиш учун машина орқасига қайтарилди.

Шу вақт бирдан овознигордан божхона масканларидан бири навбатчисининг овози эшитилди:

— Ҳамма, ҳамма, постларга. Мотоциклдаги шубҳали шахслар ушланди. Чиндан ҳам улар ашаддий жиноятчилар бўлиб чиқишди. Шу билан мотоцикль операциясига чек қўйилди.

— Хайрият, — дейишди маскан хизматчилари енгил тин олиб, — уринишимиз зое кетмабди.

Тунги соат 1 ларда 13-сонли Чувалачи маскани томон йўл олдик. Йўл тор бўлиб, қайрилма бурилишлар кўп бўлгани учун қарама-қарши томондан келаётган машина чироқларидан юриш мушкул эди. Шунинг учун Андрей Каплун «Жигули»сини оҳиста бошқарарди. Шунда бирдан рўпарада «Уазик» кўринди. Машина чироқлари унинг қизил рангли эканлигини бир зум ёритиб ўтди. У ёнма-ён келгач, Андрей Каплун машинага синчков қаради.

— Ана уни қаранг-а, бояги Навоий масканида қоидабузарлик билан 400 та елимли идишда машина тормози учун ишлатиладиган махсус суюқликни олиб чиқиб кетмоқчи бўлган «Уазик»ку бу.

— Буёқда нима қилиб юрибди?

— Нима қиларди. Энди шу маскан орқали чиқиб кетишни режалаштирган-да. Овора бўласан. Ҳозир постдагиларни огоҳлантирамиз.

Каплун рацияни ишга солди. Ундан ғириллаган овоз эшитилди:

— Ўн биринчи, ўн биринчи, мени қандай эшитяпсан?

— Гапираверинг, яхши эшитяпман.

— Ҳозир қизил рангли «Уазик» боради. Ўшани ушланглар, машинанинг орқа қисмига 400 та елимли идишда тормоз суюқлиги жойланган. Қабулга ўтаман.

— Сизни яхши тушундик.

Рациядаги овоз узилди.

Чувалачи маскани анча кичик бўлгани билан энг керакли постлардан бири экан. У чеккага жойлашгани учун қочган-қувган машиналарнинг кўпи шу маскан орқали чегарадан ўтиб олишга уринишар экан. Маскан бошлиғи Тоир Абдуллаев бизни чорак якуни билан таништирди.

— Шу давр мобайнида, — дейди у, — 4 минг сўмлик турли хил халқ хўжалиги моллари мусодара қилинди. 97 та маъмурий иш тузилди. Қоидабузарлардан 49 минг сўмлик жарима ундирилди.

Шу пайт чегарага «КамАЗ» 5410 русумли давлат белгиси 28-87 ТНБ машинаси келиб тўхтади. Юк эгаси Ғайбулла Тоиров 6,5 тонна узумни божхона баённомасисиз Россия бозорларига олиб бориб сотмоқчи бўлган. Қоидабузарлиги учун унга 1100 сўм жарима солинди. Машина орқага қайтарилди.

Эрталабга яқин 14-Ғишткўприк масканига етиб келдик. Бу жой энг серқатнов, серғалва постлардан бири саналади. Божхона хизмати бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Валижон Мажнуновни шу ерда учратиб, у билан суҳбатда бўлдик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт қилиш тақиқланган буюмлар ва маҳсулотларнинг олиб чиқиб кетилишига қарши курашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони биринчи навбатда бизга тааллуқлидир. Шунга кўра маҳсулотлар ва буюмларнинг қонунга хилоф равишда олиб чиқиб кетилишига қарши курашни кучайтиряпмиз.

— Қайси буюм ёки маҳсулотлар четга олиб чиқиб кетилиши мумкин? Шундай тақдирда қандай ҳужжатлар керак бўлади?

— Президент Фармонида 9 турдаги маҳсулотларни четга олиб чиқиш тақиқланган. Менимча уларни бирма-бир санаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Қолган барча турдаги маҳсулот ва буюмларни исталган миқдорда четга олиб чиқиш мумкин. Лекин бунинг учун божхона хизмати бошқармасининг баённомаси тўлғазилган бўлиши шарт. Кўпчилик баённома учун ва маълум миқдордаги белгиланган юк солиғи учун тўланадиган пулдан қочиб юкларини қоидабузарлик билан олиб чиқиб кетишга уринишади. Натижада улар юқоридаги харажатлардан ташқари жарима ҳам тўлашга мажбур бўлишади. Кўпчилик мол ва буюмларни бекитиқча, алдов, кўзбўямачилик йўли билан олиб ўтишга ҳаракат қилади. Бундай уринишларнинг оқибати ўша молларни мусодара қилиш билан якунланади.

— Мана бугун ҳам шундай ҳол юз берди, — дейди унинг гапини тасдиқлаб маскан бошлиғи ўринбосари Константин Юрченко. — Бишкек — Тошкент автобусида бораётган Қирғизистон фуқароси Ойнагул Мамбеткалиева 20 килограмм қора чой, минг қути «Президент» сигаретини, шу автобус йўловчиси Жийдагул Кузинбоева эса 167 килограмм ўсимлик ёғини алдов йўли билан олиб ўтишга уринишди. Улардан тортиб олинган моллар қонун йўли билан мусодара қилинди.

Қозоғистон фуқароси Айман Муртазоев эса ўзига қарашли автоуловда 36 килограмм парҳез сариёғи, 40 килограмм ҳинд чойи, 30 килограмм «Пикник» печеньеси, 70 килограмм «Чаман» печеньеси, 40 килограмм «Ҳалол» маргарини, 30 килограмм «Елена» маргаринини алдов йўли билан олиб чиқиб кетмоқчи бўлганда қўлга тушди. Унга ҳам маъмурий материал тўлғазилиб, моллар мусодара қилинди.

Хонага нозир Толиб Юсупов кириб келди.

— Яна бир қоидабузарни тўхтатдик, — деди у. — 90 килограмм печенье, 70 килограмм маргаринни машинасига яшириб қўйибди. «Машинада нима бор?» деб сўрасак «ҳеч нарса» деб жавоб берди. Текшириб кўрдик. Шунча мол яшириб қўйилган экан. «Бу маҳсулот кимники?» десак, «Билмайман» дейди. Нима қиламиз, ўртоқ бошлиқ?

— Ўзи билмагандан кейин нима қилардингиз, юкларни мусодара қилиш ҳақида баённома тузинг.

— Мусодара қилинган маҳсулотлар қаерга жўнатилади? — сўраймиз Константин Юрченкодан.

— Келес шаҳридаги «Шодлик» омборхонасига жўнатамиз. У ерда мусодара қилиниши лозим бўлган маҳсулотлар давлат фойдасига ўтказилиб, юк эгасига қонун бўйича белгиланган миқдордаги маҳсулот қайтариб берилади.

**... Тонг ёришиб қолгани учун машиналар қатнови янада кўпайди. Устига тўла юк ортилган «МАЗ», «КРАЗ» лар бирин-кетин чегара чизиғи ортига келиб тўхтай бошлади. Улар карвони тобора ортиб борар, йўл четига қатор тизилган машиналарда қатнов қийинлашарди.**

**— Ишимиз шунақа, — дейди йўлда Андрей Каплун, — уйқусизликдан қизарган кўзларини ишқаб. — Тунларимиз кўпинча беором ўтади.**

**Шу чоқ машина рациясидан буйруқ оҳангидаги овоз эшитилди:**

**— Барча, барча, постларга... Рацияда бағир-буғир тўлқинли товушлар кучайиб, сўз охирини англаб бўлмай қолди.**

**— Бир муҳим ҳодиса рўй берганга ўхшайди. Бўлмаса бошқармадан бунақа хабар қилинмасди. Зудлик билан бошқармага бормасам бўлмайди. Сиз эса уйга бориб бироз дам олинг.**

**У билан шу ерда хайрлашдик. Кўк рангли «Жигули» йўналишини ўзгартириб бир зумда кўздан йўқолди.**

*Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ,*
*«Тошкент оқшоми» мухбири.*

*СУРАТЛАРДА: божхона хизмати ходимларининг кундалик ҳаётидан лавҳалар акс эттирилган.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*

---

*Китоб жавонингизга*

## КИЧКИНТОЙЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пўлат Мўминни мухлисларига таништириш, таърифлашга ҳожат йўқ. Унинг ўттиздан ортиқ шеърий китоблари, ўнлаб пьесалари, юзлаб шўх қўшиқлари юртимиз болалари орасида аллақачон машҳур бўлиб кетган. Адибнинг навбатдаги китоби «Яхши бўлди мақташгани» деб аталади. Унда Пўлат Мўминнинг кейинги йилларда ёзган энг яхши шеърлари жамланган. Севимли адибимиз бу галги ижод намуналарида ҳам ўзининг услубига содиқ қолиб, ўйноқи, қувноқ сатрларда болалар дунёсини очиб беради. Сўзимизнинг исботи сифатида «Бодринг ва шудринг» шеъридан бир



парча келтирамиз:

***Кирган эдим полизга***
***Бодирабди бодринг.***
***Бодринглар устида***
***Томчи-томчи шудринг.***

Қаранг, қандай енгил, қандай содда сатрлар! Шоирнинг «Биринчи қўнғироқ», «Бўёқ қаламлар», «Аҳил бўлса ака-ука», «Эчким қўшиғи», «Камалак қўшиғи» каби йигирмадан зиёд шеърлари ҳам худди шу руҳда, шу оҳангда ёзилган. Пўлат Мўминнинг ушбу китоби ҳам болажонларимиз ўртасида қўлма-қўл бўлиб ўқилишига ишонамиз.

Агар «Яхши бўлди мақташгани» китоби Пўлат Мўминнинг навбатдаги янги китоби бўлса, «Юлдузларга борамиз» шеърлар тўплами Ортиқбой Юсуповнинг илк тўпламидир. Муаллиф ҳақида сўзлайдиган бўлсак, Ортиқбой Юсупов Тошкент политехника институтининг механика факультетини битириб, тепловозларни таъмирлаш заводида оддий технологликдан цех бошлиғи даражасигача кўтарилди. Қатор Фахрий ёрлиқларга, «Аълочи ихтирочи» унвонига сазовор бўлди.




Ҳозир меҳнат фахрийси бўлган Ортиқбой Юсупов кўпдан бери шеърлар машқ қилиб келади. Унинг содда, самимий ёзилган шеърларини вақтли матбуотда кўп марта ўқигансиз, албатта.

«Юлдузларга борамиз» китобчасига кирган шеърларида муаллиф она юртимиз Ўзбекистон, унинг беқиёс гўзал манзараларини муҳаббат билан таърифлайди. Болажонларни дўст, аҳил, иноқ бўлишга чақиради. «Машъал» шеърида ёзганидек:

***Қолар бу дўстлик***
***Бутун умрга.***
***Чин инсон етар***
***Дўстлик қадрига.***

«Анор қўшиғи», «Темирчи ҳақида эртак», «Нон ва китоб», «Рақамлар сеҳри» шеърлари содда, айни пайтда болаларни фикрлашга ундайди.

«Юлдузларга борамиз» китобчаси Ортиқбой Юсуповнинг жонажон набираларига арзигулик тухфасидир.

*Толиб САЪДУЛЛАЕВ.*

